XALQ DEPUTATLARI TOMDI TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 30 - mart VI-34-41-5-75-K/22 Tomdi tumani hokimligi

Томди тумани ҳудудидаги “Восход” боғ-полизчилик ширкати кўчалари номларини ўзбек тилидаги лотин ёзувига ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й, 41-сон, 448-модда; 2017 й., 35-сон, 914-модда)нинг 10-моддаси, тумандаги “Восход” боғ-полизчилик ширкати томонидан География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясига юборган ҳужжатларни кўриб чиқиш тўғрисидаги 2021 йил 28 апрелдаги 38-сонли хати, туман ҳокимлигининг таклифи ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Томди туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2021 йил 23 июндаги 06-01/35-сонли йиғилиш баёни, “Восход” боғ-полизчилик ширкати аъзоларининг 2021 йил 17 апрелдаги 2-сонли умумий йиғилиши баёни ҳамда туман ҳокимлигининг таклифи маъқуллансин.

2. Томди тумани ҳудудидаги “Восход” боғ-полизчилик ширкати кўчаларини тавсия қилинган номлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Восход” боғ-полизчилик ширкати раиси (Н.Данияров)га бир ҳафта муддатда туман ҳудудидаги “Восход” боғ-полизчилик ширкати кўчалари номларини замонавий кўринишда пешлавҳаларга ёзиб ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Томди тумани ҳудудидаги “Восход” боғ-полизчилик ширкати раиси (Н.Данияров)га кўчалари номларини ўзбек тилидаги лотин ёзувига ўзгартириш муносабати билан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш тавсия этилсин.

5. Туман ички ишлар бўлими (Р.Рўзиев) ном берилган ҳудудларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортлари берилаётганда мазкур ҳолатга алоҳида эътибор қаратсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Б.Есенбаев) ҳамда туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари (Р.Кунакбаев) зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор туман ҳокимлиги расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **К.Т.Алдабергенов**

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 30 martdagi
VI-34-41-5-75-K/22-son qaroriga
1-ilova

Томди тумани ҳудудида жойлашган “Восход” боғ- полизчилик ширкатининг кўчаларини ўзбек тилидаги лотин ёзувига ўзгартириш ва қайта ном бериш бўйича жадвал

География объект номи	**Ном бериш таклиф қилинаётган манзил**	**География объектга янги ном бериш бўйича таклифлар**	**Туман комиссияси томонидан танлангани**
Боғдорчилик ширкати	“Восход” боғ-полизчилик ширкати	“SHarq”, “Rohat”, “O‘rikzor”	“SHarq” Bog‘dorchilik shirkati
Кўча	Абрикосовая	“O‘rikzor”, “Bahor”, “Lolazor”	“O‘rikzor”
Кўча	Вишнёвая	“Olchazor”, “Bahor”, “Lolazor”	“Olchazor”
Кўча	Сиреновая	“Yoshlik”, “Bahor”, “Lolazor”	“Yoshlik”
Кўча	Цветочная	“Gulzor”, “Bahor”, “Lolazor”	“Gulzor”
Кўча	Малиновая	“Bahor”, “Olchazor”, “Lolazor”	“Bahor”
Кўча	Фруктовая	“Mevazor”, “Bahor”, “Lolazor”	“Mevazor”
Кўча	Алычовая	“Lolazor”, “Bahor”, “Mevazor”	“Lolazor”
Кўча	Дубовая	“Nurafshon”, “Bahor”, “Lolazor”	“Nurafshon”
Кўча	Янги кўча	“Bo‘ston” “Olchazor”, “Mevazor”	“Bo‘ston”